

## КИМЁ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ БИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШ ЙЎЛЛАРИ

**Ўринова Озодахон Ўлжаевна**

*Фарғона давлат университети кимё кафедраси доценти*

**Аннотация:** Таълим-тарбия тизимининг бугунги кундаги асосий вазифаси ўқувчиларни Ватанимизни севадиган, ўз билими ва истеъдодига суянадиган ҳамда мустақил равишда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда билим оладиган қилиб тарбиялашдан иборат. Мазкур вазифалар самарали дарслар орқали амалга оширилади.

**Калит сўзлар:** кимё, билиш фаолияти, педагогик фаолияти, педагогик-психологик муҳит.

Таълим-тарбиянинг бирламчи асоси дарс ҳисобланади. Дарснинг дастлабки кўринишлари бундан 400 йил аввал пайдо бўлган. Таълим-тарбия берувчиларнинг вазифаси давлат томонидан тасдиқланган ўқув дастури асосида дарсни ташкил этиш ва ўқув-мавзу режада кўрсатилган билимларни ўқувчиларга дидактиканинг барча тамойилларидан келиб чиқиб, бир қатор педагогик усуллардан ва ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиб етказиб беришдан иборат.

Таълим муассасаларида ташкил этиладиган таълим тарбия жараёнида ўқитувчининг педагогик фаолияти ва ўқувчиларнинг ўқув билиш фаолияти мақсадга мувофиқ ўзаро узвий ташкил этилиши даражаси кўрсаткичи самарадорлик кўрсаткичи саналади.

Машғулотлардаги ўқитувчининг фаолияти педагогик фаолияти саналиб, мазкур фаолият таълим мазмунини ўқувчилар онгига етказишга қаратилган ва мазкур мазмундан келиб чиқиб ўқитиш воситалари, методлари ва шаклларидан фойдаланилади.

Ўқитувчи томонидан тавсия этилган таълим мазмунини ўрганишга замин тайёрлайдиган ўқувчиларнинг фаолияти уларнинг ўқув билиш фаолияти саналади.

Ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш деганда, ўқувчиларда юқори даражадаги мотив, билим ва кўникмаларни ўзлаштиришга бўлган онгли эҳтиёж, натижанинг юқорилиги ва ижтимоий мэъёрларга мос хулқнинг пайдо бўлиши тушунилади.

Мазкур типдаги фаоллик ҳар доим ҳам вужудга келавермайди, фақат ўқитувчининг мақсадга мувофиқ педагогик таъсир кўрсатиши ва қулай педагогик-психологик муҳитни ташкил этиш маҳорати туфайлигина вужудга келади.

Ўқитиш жараёнида қўйилган мақсад бўйича кафолатланган натижага эришишда қўлланиладиган ҳар бир таълим технологияси ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида ҳамкорлик фаолиятини ташкил эта олса, уларнинг ҳар иккаласи ҳам ижобий натижага эриша олса, ўқув жараёнида ўқувчилар мустақил фикрлай олсалар, ижодий ишлай олсалар, излансалар, таҳлил эта олсалар, ўзлари хулоса чиқара олсалар, ўзларига, гуруҳга, гуруҳ эса уларга баҳо бера олса, ўқитувчи эса уларнинг бундай фаолиятлари учун имконият ва шароит ярата олсагина самара бериши мумкин.

Қўйилган мақсадни амалга ошириш ва кафолатланган натижага эришиш ўқитувчи ва ўқувчининг ҳамкорликдаги фаолияти ҳамда улар қўйган мақсад, танланган мазмун, метод, шакл, воситага, яъни технологияга боғлиқ.

Ўқитувчи ва ўқувчининг ҳамкорликдаги мақсаддан натижага эришиш учун қандай технологияни танлашлари уларнинг ихтиёрида, чунки ҳар иккала томоннинг асосий мақсади аниқ, яъни натижага эришишга қаратилган. Бунда ўқувчиларнинг билим савияси, гуруҳ характери, шароитга қараб ишлатиладиган технология танланади.

Ўқитувчи томонидан ҳар бир дарсни яхлит ҳолатда кўра билиш ва уни тасаввур этиш учун бўлажак дарс жараёнини лойиҳалаштириб олиш керак. Бунда ўқитувчи учун бўлажак дарсни технологик харитасини тузиб олиши катта аҳамиятга эгадир, чунки дарснинг технологик харитаси ҳар бир мавзу, ҳар бир дарс учун ўқитилаётган предмет, фаннинг хусусиятидан, ўқувчиларнинг имконияти ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда тузилади.

Технологик ҳаритани тузиш осон иш эмас, чунки бунинг учун ўқитувчи педагогика, психология, хусусий методика, педагогик ва ахборот технологиялардан хабардор бўлиши, шунингдек, жуда кўп услуб ва усулларни билиши керак. Ҳар бир дарснинг ранг-баранг, қизиқарли бўлиши аввалдан пухта ўйлаб тузилган дарснинг лойиҳалаштирилган технологик харитасига боғлиқ.

Дарснинг технологик харитасини қай кўриниш (ёки шакл)да тузиш, бу ўқитувчининг тажрибаси, қўйган мақсади ва ихтиёрига боғлиқ. Технологик харита қандай тузилган бўлмасин, унда дарс жараёни яхлит ҳолда акс этган бўлиши ҳамда аниқ белгиланган мақсад, вазифа ва кафолатланган натижа, дарс жараёнини ташкил этишнинг технологияси тўлиқ ўз ифодасини топган бўлиши керак. Технологик хаританинг тузилиши ўқитувчини дарсни кенгайтирилган конспектини ёзишдан халос этади, чунки бундай харитада дарс жараёнининг ҳамда ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятининг барча қирралари ўз аксини топади.

Кимё фанини ўқитишда таълим технологиясининг модели қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

1. Дарснинг тузилишини аниқлайди.

2. Дарснинг мақсадини шакллантиради, ўқув фаолиятининг кутилажак натижаларини аниқлайди ва педагогик вазифаларни белгилайди.

Ўқув фаолиятининг кутилажак натижалари – бу ўқитиш натижасида ўқувчи эгаллаши ва бажариши лозим бўлган ҳаракатлар.

Улар томондан эришилган натижаларни объектив баҳолаш ва белгиланган мақсадга мослигини аниқлаш имконини беради, аниқ, лўнда ва феъл шаклида шакллантирилади, тугалланган ҳаракатни билдиради (.....гапириб беради, .....sanab беради, ....тавсифлайди, .....ечимини топади ва ҳоказо).

Педагогик вазифалар – ўқувчининг ўқув фаолиятини белгиланган натижасига қараб ҳаракатланишини ташкил этишда ўқитувчи томонидан бажарилиши лозим бўлган ҳаракатлари.

3. Мақбул таълим моделини лойиҳалаштиради (танлайди).

Таълим модели – бу белгиланган вақтда ва мавжуд шароитда белгиланган мақсадни амалга ошириш ва башорат қилинган ўқув натижаларига эришишни кафолатлайдиган таълимнинг энг мақбул шакллари, усуллари ва воситалари мажмуидир.

4. Қайтар алоқа йўл ва воситаларини танлайди: тезкор сўров, савол-жавоб, ўқув топшириғи натижаларини тақдимотини баҳолаш ва бошқ.

5. Лойиҳавий фаолият натижасини жадвал - ўқув жараёни таълим технологияси модели кўринишида расмийлаштиради.

6. Ўқув машғулотида таълим технологиясини режалаштиришни технологик харита кўринишида амалга оширади.

Ўқув машғулоти технологик харитаси – ўқув машғулотида таълим технологияси тузилишининг жараёнли баёни акс этган ҳужжат. Ўқув машғулотини ўзига ҳос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, босқичма-босқич фаолият кетмакетлигининг мазмунини ёритади.

Замонавий педагогикада инсон ўз фаолияти, ҳатти-ҳаракати ва уларнинг натижаларини таҳлил қилишига (ўзини-ўзи баҳолашига) рефлексия деб аталади.

Рефлексия ўқувчиларга ўз ўқув фаолиятлари ва уларнинг натижаларини баҳолашларига ёрдам беради. Шунингдек, кейинги ўқув фаолияти мақсадини белгилашига ва уларга тузатишлар киритишига замин яратади. Шу жиҳатдан ундан айнан дарс натижаларини баҳолашда фойдаланиш мумкин бўлади.

Рефлексия вазифаларига қуйидагилар киради:

- Диагностик баҳолаш вазифалар
- Ташкилий вазифалар
- Мотивация вазифаси
- Узатиш вазифаси.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Голиш L.V.«Таълимнинг фаол услублари: мазмуни, танлаш ва амалга ошириш» Т. Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази.

2. Мадумаров Т., Камолдинов М. Инновацион педагогик технология асослари ва уни таълим-тарбия жараёнида қўллаш. «Тошкент-Талқин» 2012 йил.
3. Камолдинов М., Вахобжонов Б., Инновацион педагогик технология асослари. «Тошкент-Талқин» 2010 йил.
4. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. Т. Истеъдод.
5. Норенков И.П., Зимин А.М. Информационные технологии в образовании: Учебное пособие.–М.: Изд. МГТУ им. Н.Баумана,2002.
6. Marufjono'g, S. O. Q. li.(2023). ANJIR (FICUS CARICA L.) BARGIDAN KUMARINLAR OLISH. Scientific Impulse, 1 (9), 1723–1725.
7. Саминов, Х. Н. Ў. (2022). АНОР МОЙИ ВА УНДАН ТАЙЁРЛАНГАН КОМПОЗИЦИЯЛАРИНИ ТИФ ТН АСОСИДА СИНФЛАШ. Science and innovation, (Special Issue), 417-418.
8. Kilichbek, S. (2023). CHROMATOGRAPHIC SEPARATION OF ORGANIC COMPOUNDS USING ADSORPTION CHROMATOGRAPHY. INNOVATIVE DEVELOPMENTS AND RESEARCH IN EDUCATION, 2(20), 172-173.
9. Саминов, Х. Н. Ў. (2022). АНОР ЎСИМЛИГИНИНГ ЭФИР МОЙИ ТАРКИБИНИ ЎРГАНИШ. Science and innovation, (Special Issue), 419-421.
10. Marufjono'g, S. O. Q., & Numonjono'g'li, S. X. (2023). OLXO 'RI MEVASINING INSON SALOMATLIGIGA TA'SIRI. O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI, 2(22), 4-6.
11. Saminov , K., Ibragimov , A., & Nazarov Otabek Mamadaliyevich, N. O. M. (2023). STUDY OF VOLATILE COMPONENTS OF LEAVES AND FLOWERS OF Punica granatum L., VARIETY “KAYUM” GROWING IN UZBEKISTAN. Scientific Journal of the Fergana State University, (3), 147. Retrieved from <https://journal.fdu.uz/index.php/sjfsu/article/view/2613>.
12. Kilichbek, S. (2023). DETERMINATION OF MACRO AND MICROELEMENT CONTENT OF FIG (FICUS CARICA L.) LEAF USING INDUCTIVELY COUPLED PLASMA MASS SPECTROMETRY METHOD. Scientific Impulse, 1(12), 287-288.
13. Саминов , Х., Ибрагимов , А., & Назаров , О. (2023). DETERMINATION OF THE CONTENT OF CHEMICAL ELEMENTS OF Púnica granátum VARIETY "QAYUM". Scientific Journal of the Fergana State University, 28(1), 11. [https://doi.org/10.56292/SJFSU/vol28\\_iss1/a11](https://doi.org/10.56292/SJFSU/vol28_iss1/a11).
14. Kilichbek, S. (2023). COUMARINS: NATURE'S VERSATILE COMPOUNDS WITH DIVERSE PHARMACOLOGICAL ATTRIBUTES. Научный Фокус, 1(5), 1-3.
15. Саминов, Х. Н. У., Ибрагимов, А. А., & Назаров, О. М. (2021). ИССЛЕДОВАНИЕ ФИТОХИМИЧЕСКИХ КОМПОНЕНТОВ PÚNICA GRANÁTUM СОРТА “ҚАЮМ” ПРОИЗРАСТАЮЩЕЙ В УЗБЕКИСТАНЕ. Universum: химия и биология, (1-1 (79)), 57-60.
16. Marufjono'g, S. O. Q. li.(2023). INDUKTIV BOG 'LANGAN PLAZMA MASS SPEKTROMETRIYASI USULI YORDAMIDA ANJIR (FICUS CARICA L.) BARGINING

MAKRO VA MIKROELEMENT TARKIBINI ANIQLASH. Scientific Impulse, 1 (9), 1726–1728.

17. Саминов, Ҳ. Н. Ў., & Назаров, О. М. (2022). АНОР ЎСИМЛИГИНИНГ ҲАЛҚ ТАБОБАТИДА ТУРЛИ КАСАЛЛИКЛАРНИ ДАВОЛАШДА ҚЎЛЛАНИЛИШИ. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 2(Special Issue 4-2), 180-182.